



БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯСИДА СУД МУҲОКАМАСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Абдуллаев Қ

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг тергов судьяси

Биринчи инстанцияда суд муҳокамаси жиноят процессининг бошқа босқичларидан (терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки терговдан) қуйидаги ўзига хос хусусиятларига кўра фарқ қилади;

- дастлабки тергов айблов функциясини амалга оширувчига тергов органлари томонидан амалга оширилгани боис обективлик даражасига кўра суд муҳокамаси билан таққослаб бўлмайди. Холислик суд учун алоҳида зарурий хусусият сифатида талаб қилиниши иш бўйича ҳақиқатни обектив аниқлаш имконини оширади;

- дастлабки тергов жараёнида терговчи томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбини исботловчи, айблов версиясини тасдиқловчи далилларни излаб топишга эътибор қаратилади. Ҳимоячи далилларни тўплаш жараёнида терговчининг руҳсати билан иштирок этиши, далиллар тақдим этиши мумкин бўлса-да, лекин ҳимоячининг терговчи билан тенг мақомда деб ҳисоблаш хато бўлади. Суд муҳокамасида эса айблов ва ҳимоя функциясини амалга оширувчи тарафлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўламига кўра тенг ҳисобланади ва мазкур тенгликни таъминлаш иш бўйича раислик қилувчи судьянинг мажбурияти ҳисобланади;

- дастлабки тергов даврида тергов ҳаракатлари фақат бир теровчи томонидан амалга оширилади. Гарчанд жиноят иши тергов гуруҳи томонидан тергов қилиниши мумкин бўлса-да, лекин айнан бир тергов ҳаракати фақат бир терговчи томонидан ўтказилади. Суд муҳокамасида эса ўта оғир жиноят ишлари ҳайъатда, икки нафар халқ маслаҳатчилар иштирокида ўтказилиб, коллегиялик фақат суд маҳокамасига хос;

- дастлабки тергов давомида сўроқ қилиш терговчи томонидан сўроқ қилинувчи билан яқка тартибда амалга оширилади ва сўроқ давомида аниқланган ҳолатлар тергов сири сифатида баҳоланиб, тергов тугамагунга қадар бошқа иштирокчиларга ошкор қилинмайди. Суд муҳокамаси эса бошқа барча тарафлар иштирокида ўтказилиб, ошкоралик ва шаффофлик (ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишлар бундан мустасно) унинг зарурий шarti ҳисобланади.

Шунингдек, биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси моҳияти қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга;

- биринчи инстанция судининг суд муҳокамаси жиноят процессининг энг муҳим босқичи бўлиб, тергов қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларининг мантиқий давоми бўлиб, ушбу босқичларда тўпланган



далиллар баҳо бериб, амалга оширилган процессуал ҳаракатларга якун ясайди. Гарчанд, юқори инстанция судларида суд муҳокамаси давом эттирилиши мумкин бўлса-да, лекин улар ўз хусусиятига кўра биринчи инстанция суди муҳокамасида қабул қилинган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатлигига баҳо бериш вазифасини бажаради;

- фақат суд муҳокамасидаги шахснинг жиноят содир этишда айблилиги ёки айбдор эмаслиги масаласи ҳал қилинади, жиноят процессининг бошқа бирорта босқичи мазкур масалани ҳал қилишга ваколатли эмас;

- айнан шу босқичда жиноят процессининг бошқа босқичларга нисбатан тадбиқ этилмайдиган принциплар асосида процесс иштирокчиларнинг барча ҳуқуқлари бевосита амалга оширилишига имкон берилади. Масалан, суриштирув ёки дастлабки тергов даврида айбланувчи сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш, жараён давомида барча иш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқини амалга ошира олмайди.